O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# ÓZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2002 YIL 26 DEKABR
PAYSHANBA
№ 158-159 (27.018)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида

Иқтисодиётга бозор механизми ва услубларини жорий қилишни давом эттириш, жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш талабларига мувофиқ иқтисодиёт ва статистика органларининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги тугатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ташкил қилинсин.

2. Мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси ҳамда комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қуйидаги ғоят муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган чуқур ўйланган ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига юклансин:

макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг барқарор, мутаносиб ва жадал суръат билан ривожланишини таъминлаш;

кўп укладли ва самарали фаолият кўрсатувчи иқтисодиётни шакллантириш, хусусий мулкчиликнинг етакчи ролини таъминлаш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

бой табиий ва минерал-хомашё захираларидан, бунёд этилган ишлаб чиқариш ва фан-техника салоҳиятидан самарали ҳамда оқилона фойдаланишга қаратилган аниқ мақсад йўлидаги структуравий сиёсатни амалга ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлаш;

янги иш жойларини яратиш, меҳнат ресурсларини оқилона банд қилиш муаммосини ҳал этиш, аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, аҳолининг турмуш даражаси барқарор, жадал ўсишини, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни таъминлаш;

мамлакат минтақалари иқтисодиётининг комплекс ривожланишини, ишлаб чиқарувчи кучларни мамлакат ҳудуди бўйича мақбул ҳамда самарали ривожлантириш ва жойлаштиришни таъминлаш.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жамиятни ривожлантириш ҳамда демократик қайта ўзгартиришларнинг мақсад ва устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг, иқтисодиётни бошқаришда бозор услублари ва механизмларини жорий этишнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиқишни ташкил қилиш;

асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни, республика, минтақалар ҳамда тармоқларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини комплекс системали таҳлил қилиб бориш, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, иқтисодиётдаги мавжуд номутаносибликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини асослаб бериш;

иқтисодиётни ривожлантиришнинг кўп вариантли сценарийларини, минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари бўйича мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва ўрта муддатли прогнозлари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш;

энг муҳим қиймат, моддий ва меҳнат балансларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни пул-кредит агрегатлари, давлат бюджети параметрлари, ташқи савдо, тўлов ва тармоқлараро баланслар билан ўзаро боғланишини таъминлайдиган таъсирчан механизмни шакллантириш;

демографик прогнозлар, аҳолининг аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, халқ фаровонлигини ўстириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг ўрта муддатли прогнозларини, тармоқларни ривожлантириш, замонавийлаштириш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ресурсларни тежайдиган илғор технологияларни жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш;

структуравий сиёсат мақсадларига эришишни, минтақаларни комплекс ривожлантиришни таъминлайдиган қисқа муддатли ва ўрта муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш;

экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, ташқи савдо ва тўлов балансларини мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозини тайёрлаш, республиканинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув стратегиясини ишлаб чиқишда қатнашиш.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ўз зиммасига юкланган вазифаларни мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид прогнозларни ҳамда дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплексига кирувчи вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш йўли билан амалга оширади.

(Давоми 2-бетда)







■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

## САМАРҚАНД ЧИННИСИ

*Инсон қўли гул. Унинг ижод маҳсулига ҳамиша ҳайрат билан тикиламиз. Кундалик эҳтиёжимиз учун зарур бўладиган чинни буюмлардан ҳар куни фойдаланамиз. Чинни лаганларда ош сузилса, пахта гулли чойнакларда чой дамланади. Уларнинг бежиримлиги, нафислигидан кўзимиз қувонади. Лекин ҳамиша унинг бунёдкорларини ёдга олавермаймиз.*

*Самарқанд чиннисининг довруғи баланд. Бугун кўҳна шаҳарда чинни тайёрлашнинг ҳақиқий усталари бор.*

*— Бизнинг «Нафис» ҳиссадорлик жамиятида 1320 нафардан ортиқ ишчи ва хизматчилар фаолият юритмоқда. Уларнинг иш ҳақлари ўртача 35 минг сўмни ташкил этади. 2002 йилда 13 миллион 354 минг дона чинни маҳсулотлари тайёрлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Бугун йиллик режамизни бажариб, юзимиз ёруғ бўлди. Ҳиссадорлик жамиятимиздаги мавжуд бешта бўлимда ишлаб чиқариш тўла қувват билан олиб борилмоқда. Халқимизнинг чинни буюмларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш йўлида ҳаракат қилаяпмиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Болтақул Тўрақулов.*

*Бугун чинни усталари бирор жойдан хомашё кутиб туришгани йўқ. Барча ишлар тадбиркорлик, изланиш натижасида амалга оширилмоқда. Самарқанд чиннисининг шуҳрати яна юксалаверсин.*

■ **Фаррух ҲАМРОЕВ**

✧✧✧

Суратларда: 1. Асолат Ортиқова тайёр маҳсулотни намойиш этмоқда. 2. Гул солиш бўлими рассоми Нигора Мухторова. 3. Иш қизғин.

## ВИЛОЯТ ДЕҲҚОНЛАРИ КЕНГАШИБ ОЛДИЛАР

Сирдарё вилоят ҳокимлигида кузги ва қишки тадбирларнинг амалга оширилишига бағишланган кенгайтирилган кенгаш бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги илғор фермерлар, хўжалик, ширкат раислари, туман ҳокимлари, вилоятдаги корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Кенгашни вилоят ҳокими Р.Ҳайдаров бошқарди.

Вилоятда кейинги йилларда халқ хўжалиги тармоқларида жиддий камчиликларга йўл қўйилиб, қатор муаммолар туғилди. Чунончи, ердан хўжасизларча фойдаланиш оқибатида пахтачиликда ҳосилдорлик кескин камайиб кетди, мавжуд имкониятлар бой берилди. Кенгашда республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Бегалиев бу ҳақда маъруза қилиб, ўтган йиллари жойларда экин майдонларини экишга тайёрлаш, шудгорлаш, ер шўрини ювиш каби муҳим агротехник тадбирларнинг вақтида амалга оширилмаганлигини, жорий йилда 10-12 минг гектар ерга чигит экилмай қолганлигини, айрим нопок раҳбарлар ерни талон-торож қилганликларини дангал мисолларда кўрсатиб ўтди. Айни пайтда маърузачи шудгорлаш ишлари вилоятда шу кунларда ҳам суст бажарилаётганлигини, бугунгача мавжуд майдонларнинг 10 фоизи ҳайдалганлигини ва жойларда кузги-қишки агротехник тадбирлар қониқарсиз ташкил қилинганлигини кескин танқид қилди.

Сўзга чиққан бошқа нотиқлар бу ерда бугунги кунда ҳам ҳайдов тракторларининг вақтида таъмирланмаётганлигини, жами 153 дона «Магнум»дан ҳозиргача 93 таси шудгорлашда қатнашаётганлигини, ёнилғи-мойлаш материалларидан тежабтергаб фойдаланилмаётганлигини ва ҳар бир гектар пахта майдонига сарфланаётган ёнилғи сарфи республика миқёсида энг кўп миқдорни ташкил этаётганлигини таъкидладилар. Шунингдек, йиғилишда ғаллачиликдаги аҳвол ҳам ночор эканлиги, 20 минг гектарга яқин ерда ҳали кузги ғалла униб чиқмаганлиги, бу ҳол айниқса, Сирдарё, Мирзаобод, Ш.Рашидов, Ховос туманларида юз берганлиги ва ғалла майсалари етарли озиқлантирилмаётганлиги ҳамда экин майдонларини пайхон қилиш ҳоллари учраётганлиги қайд этиб ўтилди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков ва Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов қатнашди.

■ **Ўз мухбиримиз**

## МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Миллий Олимпия қўмиталари уюшмасининг бош қароргоҳи Мексика пойтахти Мехико шаҳрида жойлашган. Ушбу халқаро ташкилот уюшмага аъзо давлатлар Миллий Олимпия қўмиталарининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, фаолиятини мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Ўзбекистон ҳам 1992 йилдан мазкур муассасанинг аъзоси.

Куни кеча мазкур уюшма президенти Марио Васкез Ранадан Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти Собир Рўзиевга табрик мактуби келди. Унда, жумладан, бундай дейилади:

«Миллий Олимпия қўмиталари уюшмасининг Малайзияда бўлиб ўтган XIII бош ассамблеяси сизни Олимпия ҳаракати ривожига қўшган ҳиссангиз учун уюшманинг Олтин ордени билан тақдирлашга қарор қилганини билдириш менга катта мамнуният бахш этади. Юксак мукофот муборак бўлсин».

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб спортга, хусусан, Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда. 1999 йили давлатимиз раҳбари Ислом Каримовга Халқаро Олимпия қўмитасининг олий мукофоти — Олтин маржон топширилгани ана шундай юксак эътиборнинг жаҳон миқёсдаги эътирофи бўлган эди.

■ **(ЎзА)**

## ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида йилига 20 минг тонна жаҳон андозалари даражасида олтингугурт кукуни тайёрлайдиган «Заврoқ-Мил» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси иш бошлади. Унинг Низом жамғармаси 500 минг АҚШ долларига тенг. Қўшма корхона учун керакли технологик жиҳозлар «Ротимилл» фирмаси томонидан тайёрланди. Мазкур корхона жиҳозланиши, эҳтиёжбоп маҳсулот чиқариши ҳамда замонавийлиги билан ҳамдўстлик давлатларида ягона ҳисобланади. «Заврoқ-Мил» «Шўртангазкимё» мажмуида тайёрланадиган маҳаллий хомашё ҳисобига фаолият кўрсатади. Харажатлар узоғи билан 5 йилда қопланади, дейишмоқда мутахассислар.

Қўшма корхонани молиявий жиҳатдан «Асакабанк» қўллабқувватлаб, 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Олтингугурт кукуни қишлоқ хўжалиги экинларини ҳашарот ва бошқа зараркунандалардан ҳимоя қилишда деҳқонларга жуда асқотади. Қолаверса, бундай зарур кимёвий дорининг ўзимизда тайёрланиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг пасайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Келгусида «Заврoқ-Мил»нинг олтингугурт кукуни хорижга экспорт қилиниши режалаштирилган.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



### ЁЛҒОН

*Аввал ҳилол бўлиб кўринди Ёлғон,*
*Сўнгра қулоч ёзди улкан ёйсимон.*
*Роса кучга кириб тўлин ой бўлгач,*
*Дунёни Ёлғон деб айлади эълон.*

**Абдулла ОРИПОВ**
**2002 йил 14 ноябрь**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## «ЧАККАГА ЧЕЛАК АХТАРАВЕРИШСИНМИ?»

Газетанинг шу йил 22 октябрь сонида ана шу сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Фарғона шаҳар, Маданият кўчаси, 13-уйда яшовчи фуқаролар кўп қаватли уйларга иссиқ сув етказиб беришдаги узилишлар тўғрисида ёзишган.

Фарғона вилоят ҳокимининг 25 январдаги 13-Ф сонли фармойиши айнан ана шу масалани ҳал қилиш мақсадида Фарғона шаҳрида иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлаш борасида бир қатор ўзгаришларни амалга оширди. Натижада Фарғона ва Қувасой шаҳарларидаги аҳоли олдингига нисбатан арзонроқ бўлган иссиқлик энергияси билан таъминлана бошлади. Бундан ташқари иссиқлик энергияси тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчидан аҳолига етказила бошлади. 2002 йилнинг 9 ойи давомида Фарғона ва Қувасой шаҳарларида 100 километр узунликдаги иссиқлик қувурлари алмаштирилди ва бу ўз навбатида қишда ўзининг ижобий натижасини кўрсатади деб ҳисоблаймиз.

Ҳозир Фарғона шаҳрининг аҳолиси иссиқ сув билан таъминлана бошланди.

Маданият кўчасидаги 13-уй юзасидан алоҳида гапирмоқчимиз. Фарғона шаҳри бўйича иссиқлик магистраллари бизнинг тасарруфимизга ўтган пайтда ушбу уйга борадиган иссиқлик қувурлари жуда танг аҳволда эди ва уни тузатиш бўйича бир қатор ишлар қилинди, ҳозирги кунга келиб ушбу уй ва унинг қаторидаги бошқа бир қанча кўп қаватли уйлар иссиқ сув билан таъминланмоқда.

**«Фарғона вилоят энергомаркази» ОАЖ директори Э.НУРАЛИЕВ**

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

## ОТАРЛАРГА СУВ БОРДИ

Нурота тумани «Қизилча» ширкат хўжалиги чўпони М.Ялгашев томонидан йўлланган ариза Нурота туман ҳокимлиги, «Навоийқоракўл» акциядорлик бирлашмаси, Навоий «Обиҳаёт ЛТД» ташкилоти мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди ва қуйидагилар аниқланди:

Аризада келтирилган маълумотлар қисман тўғри бўлиб, М.Ялгашев отарларига сув етказиб берувчи Азизобод сув қувурларида босим паст бўлган вақтларда сув бормай қолиш ҳолатлари бўлган.

Нурота туман ҳокимлиги ва Навоий «Обиҳаёт ЛТД» ташкилоти томонидан ушбу масала ижобий ҳал этилиб, ҳозирги кунда сув етказиб берувчи Азизобод қувурларига бир хил босимда сув етказиб берилмоқда. Отарлар сув билан узлуксиз равишда тўлиқ таъминланган.

Бундан ташқари, ушбу отарга Нурота туман ҳокимлиги томонидан бир дона ичишга яроқли сув қудуғи қазиб берилган.

Нурота туман ҳокимлиги ва Навоий «Обиҳаёт ЛТД» ташкилотига келгусида отарларни сув билан таъминлашда камчиликларга йўл қўймаслик юзасидан тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

**Навоий вилоят ҳокими ўринбосари Г. АЛИЕВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклатилсин:

статистика соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, замонавий халқаро талаблар ва андозаларга мос келадиган статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш;

илмий асосланган, бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларига жавоб берадиган, миллий ҳисоблар тузишни таъминлайдиган ҳамда халқаро статистика андозаларига мувофиқ бўлган ягона статистика методологияси ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиб, татбиқ этиш;

статистика ва ҳисобот кўрсаткичларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини таъминлаш, статистика ахборотини олиш бемалоллиги, унинг очиқлиги ва ошкоралигини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашувларга йўл қўймайдиган статистика ишларини ташкил қилиш тизимини яратиш;

статистика органларини замонавийлаштириш ҳамда уларни статистик ахборотларни тезкор узатиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий компьютер ҳамда ахборот-коммуникация тизимлари ва технологиялари билан қайта жиҳозлаш, статистика бўйича ягона ахборот тизимини янада ривожлантириш;

корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистрини, иқтисодий-статистик классификаторлар тизимини юритиш.

5. Иқтисодиёт ва статистика бўйича фаолият кўрсатаётган бўлинмалар негизида қуйидагилар ташкил қилинсин:

Қорақалпоғистон Республикасида — Иқтисодиёт вазирлиги ва статистика бошқармаси;

республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида — Иқтисодиёт бош бошқармалари ва статистика бошқармалари;

республика шаҳар ва туманларида — иқтисодиёт бўлимлари ва статистика бўлимлари.

6. Қуйидагилар белгилансин:

иқтисодиёт ҳудудий органлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларига қарашли;

статистика ҳудудий органлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига қарашлидир.

7. Белгилаб қўйилсинки, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмларининг сунъий равишда камайтирилишига, корхоналар фаолиятига нохолис баҳо берилишига, пул маблағларининг банкдан ташқари ноқонуний айланишига олиб келадиган нотўғри статистик ҳисоботни тақдим этишда, статистика маълумотларини яширишда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонунга мувофиқ қаттиқ жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Бош прокуратураси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга статистик ҳисоботни яширганлик ва бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш назарда тутилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

8. «Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасини Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 15 майдаги ПФ-1780-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукуматнинг тегишли қарорларини қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 24 декабрь

---

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

# ОМБУДСМАН: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

**Она сайёрамизда 1995-2005 йиллар «Инсон ҳуқуқлари 10 йиллиги» деб эълон қилинган. Бу эса, бугун жаҳонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла маънода таъминлаш халқаро ҳамжамият олдида турган муҳим масалалардан бири эканлигини англатади. Дарҳақиқат, куррамизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширияпти. Турли халқаро ташкилотлар, уюшмалар, жамғармалар, ҳаракатларнинг вужудга келиши бунга мисолдир. Албатта, жаҳон миқёсида олиб борилаётган ишларнинг салмоғи, энг аввало, ҳар бир мамлакатда олиб борилаётган ишлар кўламидан келиб чиқиб белгиланади. Ўзини ҳурмат қилган ҳар бир давлат авваламбор инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига биринчи ва муҳим масала сифатида қарайди.**

**Ўзбекистонда ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири, деб эътибор берилмоқда. Бу йўналишга қаратилган бир қанча — Инсон ҳуқуқлари миллий маркази (1996 йил), Парламент ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти (1996 йил), «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (1997 йил) ва бошқа қатор ташкилотларнинг фаолияти фикримизнинг исботидир. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)-нинг ташкил этилганлиги эса ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш йўлидаги муҳим қадамларимиздан бири бўлди.**

**Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг том маънодаги фаолияти 1997 йилдан бошланди. Чунки, ўша йил 24 апрелда унинг ҳуқуқий негизи, «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган эди.**

**Биз Омбудсман фаолияти билан чуқурроқ танишиш мақсадида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Сайёра РАШИДОВА билан суҳбатда бўлдик.**

— Омбудсман институти 1809 йилда Швецияда илк конституциявий меъёрлар юзага келиши ва ҳокимият, бошқарув ҳамда суд органларининг уларга риоя қилишлари устидан парламент назорати ўрнатиш зарурати пайдо бўлганлиги туфайли юзага келган. Белгиланган лавозимнинг шу вақтга қадар ўхшаши бўлмаган. Зеро, «Омбудсман» аввал бошда фуқароларни маъмурият жабр-зулмидан ҳимоя қилиш вазифасини ўтаган. Ўрта асрлардаги швед тилида «Омбуд» сўзи куч-қудрат, обрў-эътибор деган маънони англатиб, шу иш билан шуғулланувчи шахс, воситачи ёхуд бошқа одамлар вакили ҳисобланади. Ҳуқуқий маънода Омбудсман ишончга лойиқ бетараф шахсни билдиради. У фуқаролар ҳуқуқини ҳамда барча давлат органлари ва уларнинг вакиллари устидан кенг назорат олиб бориш шаклидаги бевосита парламент назоратини йўлга қўйишга ваколатланган.

**— Омбудсманнинг бугунги фаолияти борасида тўхталсангиз?**

— Бизга ўтган йил давомида фуқаролардан 4472 та мурожаат тушди. Шундан 1942 таси қабул вақтида, 2530 таси почта алоқаси орқали келган. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши билан боғлиқ 830 та мурожаат рўйхатдан ўтказилди. Шулардан 200 таси ижобий ҳал қилинди, бошқа мурожаатларнинг ижро этилиши давом этмоқда. 8 мурожаат юзасидан текширув ўтказилиб, 5 мансабдор шахс Омбудсман билан суҳбатга чақирилди ва шикоятчининг даъвоси қондирилди. Кейинги вақтларда Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Наманган вилоятларидан тушаётган шикоятлар сони кўпайиб боряпти.

**— Фуқаролар шикоят хатларининг асосий қисмини қандай мазмундаги мурожаатлар ташкил қилади?**

— Жами тушган шикоятнинг 54 фоизи суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти билан боғлиқ.

---

# МАҚСАД: БОЛАЛАР ФИКРИНИ ЎСТИРИШ

Замондошларимиз учун ширин болалик даврининг сирдоши, маслаҳатдоши бўлган севимли газета — «Жеткиншек»-нинг биринчи сони чиққанига 70 йил тўлиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси М.Ибрагимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг табригини ўқиб, газета бош муҳаррири Г.Нурлепесовага топширди.

Мустақиллик йилларида «Жеткиншек» саҳифаларида янги рукнлар ташкил этилди. Жумладан, «Мустақиллик ғунчалари», «Мустақиллик тенгдоши», «Менга сўз беринг», «Сиз нима дейсиз?» каби ўнлаб рукнларда болаларнинг ўй-фикрини кенгайтириш, билимларини янада чуқурлаштириш мақсадида бошқотирмалар, расмли топишмоқлар кўпроқ берилмоқда.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Халқ ёзувчиси Т.Қаипбергенов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Халқ шоири И.Юсупов ва бошқа ўнлаб нотиқлар газета таҳририяти ижодий жамоасини, матбаачиларни ва газетхонларни чин дилдан табрикладилар.

■ **Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

---

# АФҒОНИСТОН УЧУН ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

**Ўзбекистон ҳудуди орқали Афғонистонга жўнатилаётган инсонпарварлик ёрдами бугунги кунга келиб 500 минг тоннадан ошиб кетди.**

Афғонистонга мамлакатимиз ҳудуди орқали инсонпарварлик ёрдамини жўнатиш 2001 йилнинг 14 ноябридан бошланган бўлиб, дастлаб юклар Амударё портлари орқали кемаларда етказиб берилган. Мазкур тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган тартиб асосида муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳукумати билан БМТ ўртасида Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамини етказишда ўзаро ҳамкорлик борасида ҳужжат ҳам имзоланган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон билан Афғонистонни боғловчи кўприкнинг очилиши мазкур мамлакатга инсонпарварлик юкларини жўнатиш ишларини янада фаоллаштирди. Кўприк очилиши билан Афғонистонга жўнатиладиган ёрдам миқдори бир неча баробарга ошди.

Биламизки, Афғонистондаги террорчилик ўчоқларини йўқотишга қарши ҳарбий ҳаракатлар ўтган йилнинг 7 октябридан бошланган эди. Ҳарбий ҳаракатлар ҳар қандай шароитда тинч аҳоли учун муайян муаммо ва қийинчиликлар туғдириши маълум. Шу маънода, Ўзбекистон ҳукумати аввал бошиданоқ Афғонистондаги тинч аҳоли тақдирига эътибор қаратиб, ўтган йилнинг декабрь ойида ушбу кўприкни очишга қарор қилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг бу ташаббуси халқаро кузатувчилар томонидан ўз вақтида қабул қилинган оқилона қарор сифатида юксак баҳоланди. Хусусан, БМТ Бош котиби Кофи Аннан мамлакатимиз раҳбарига мактуб йўллаб, мазкур кўприкнинг очилиши Ўзбекистон раҳбариятининг мавжуд воқеликни яққол кўра билишидан далолат эканини айтган эди.

Дарҳақиқат, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамини етказиш учун энг арзон, хавфсиз ва яқин йўл мазкур кўприк орқали ўтади. Кўприкнинг очилиши бир томондан Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдамини имкон қадар тезроқ етказиш имкониятини яратган бўлса, иккинчи томондан халқаро ташкилотлар учун йўл сарф-харажатларини камайтириш, вақтдан ютиш борасида қулай имконият яратди.

Айни вақтда дунёнинг турли мамлакатлари, БМТ агентликлари, халқаро ноҳукумат ва инсонпарварлик ташкилотлари, хусусий компаниялар томонидан Афғонистонга кўмак учун аҳолига зарур молларни жўнатиш ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги маълумотларига кўра, шу кунгача 510 тонна миқдоридаги инсонпарварлик кўмаги Ўзбекистон ҳудуди орқали Афғонистонга етказиб берилган. Инсонпарварлик ёрдамининг асосий қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва дори-дармонлар, қурилиш моллари, ёқилғи маҳсулотлари ташкил этаётир.

■ **Ф. АРЗИЕВ**
**«Жаҳон» АА**

---

# МАКТАБЛАРГА ЯНГИ ГРАНТЛАР

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Япония ҳукуматининг Ўзбекистонга кичик ҳажмдаги лойиҳалар бўйича беғараз ёрдам сифатида Навоий вилоятидаги 5 та ўрта умумтаълим мактабларига грантлар топширилди.

Яқинда Наманган вилоятидаги таълим муассасаларига топширилган грантларнинг миқдори 327 минг 263 АҚШ долларини ташкил этган эди. Бу сафарги грантларнинг умумий миқдори 236 минг 991 АҚШ долларини ташкил этмоқда. Анжуманда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато жаноблари иштирок этди.

— Маблағлар мактабларни замонавий ўқув воситалари ва анжомлари билан таъминлашга, ўқитувчиларнинг малакасини оширишга сарф этилади, — деди Нурота тумани ҳокимининг ўринбосари Бекмамат Жумаев **«Туркистон-пресс»** мухбирига.

Элчи Акио Каватонинг таъкидлашича, 2002 йилда Ўзбекистоннинг 40 та ўрта умумтаълим мактабларига 2 миллион сўм маблағ ажратилди. Мазкур маблағлар ҳисобидан улар қайта таъмирланиб, жиҳозланди. 1995 йилдан буён 84 та мактабни таъмирлаш учун 6 миллион АҚШ доллари сарф этилди.




---

# ҚИШЛОҚДА ҚЎШМА КОРХОНА

«Боғотшарбат» масъулияти чекланган жамиятда тайёрланаётган шифобахш, шарбатлар таърифи юрт ошган. Исроилнинг «Нонлайн» компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ўрнатилган цехнинг қуввати йилига олти минг тонна шарбат тайёрлашга имкон беради.

— Маҳсулотларимиз ҳеч қандай сунъий аралашмаларсиз, табиий ҳамда шифобахш бўлгани учун унга МДҲ давлатларида талаб ошмоқда. Айниқса, россиялик ишбилармонлар қуритилган мева кукунларига харидор, — дейди жамият раиси Бектурди Қувоқов.

Хоразмнинг чекка қишлоғида иш бошлаган цех маҳсулотларини бугун дунёнинг қатор давлатлари харид қилишга ўтгани — иқтисодий ислоҳотларнинг самарасидир.

■ **Рўзимбой ҲАСАН**

---

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# АЁЗЛИ КУНЛАРНИНГ ҲАСРАТИ

## ЁКИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ГАЗ ТАЪМИНОТИДАГИ УЗИЛИШЛАР ВА УНИНГ АСЛ САБАБЛАРИ ХУСУСИДА



Вилоятда газ таъминотидаги узилишлар истеъмолчи ва газ таъминот идоралари ўртасида жиддий муаммоларни туғдирмоқда. Минглаб кўп қаватли турар жойлар, шифохона, боғча ва мактабларда иситиш тизими талаб даражасида ишлаяпти, деб бўлмайди.

— Тан олиш керак, аҳолининг газ таъминоти кўнгилдагидек эмас. Бироқ, унинг бизга боғлиқ бўлмаган томонлари ҳам бор, — дейди **«Самарқандгазтаъминот» шўъба корхонаси раҳбари Шавкат Усмонов.** — Масалан, Самарқанд, Ургут туманларида қурилаётган газ тақсимлаш станциялари тезроқ ишга тушганда эди, аҳвол бироз яхшиланган бўларди. Ҳозир шай қилиб қўйилган ҳар икки станция ҳам қачонки, вилоят орқали ўтаётган Шўртан гази таркиби тозаланиб, маиший фойдаланиш даражасига етказилгандагина фаолият бошлайди. Яна бир сабаб шундаки, «Ўзгазтранс» раҳбарияти билан келишилган миқдордаги газ олинмаяпти.

Хўш, газ таъминотидаги камчиликлар юзасидан аҳолининг фикри қандай?

**Боғишамол туман, Саратепа даҳаси, 15-уйда яшовчи Дилором Жумамедова:**

— Кун совий бошлагандан буён уйимизга умуман газ келмай қўйди. Бир неча бор мурожаат қилдик. Натижа йўқ. Газ босимининг пастлиги баҳона — иситиш батареяларининг ишламаслиги кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар норозилигини оширмоқда.

Жавобни **Самарқанд шаҳар газ таъминоти корхонаси раҳбари Б.Ярматовдан сўрадик:**

— Шаҳардаги мавжуд 3 туман аҳолисини газ билан таъминлаш учун меъёр бўйича 6,3 кг $см^2$ газга эҳтиёж бўлгани ҳолда 4,5 кг $см^2$ газ берилмоқда. Юқоридан кам берилаётгани боис, узилишлар асосан Боғишамол ва Сиёб туманларида содир бўлаяпти:..

Суҳбатлар асносида маълум бўлдики, газ босимининг пасайиб кетишига ички сабаблар ҳам бор. Аксарият хонадонларда уйни иситиш учун газ плитаси муттасил ёқиб қўйилмоқда ва ундан ноқонуний фойдаланиш ҳоллари рўй бераяпти. Ҳозиргача вилоятда табиий газдан фойдаланувчи 4680 та иссиқхона, 5000 га яқин хусусий ошхона, 300 га яқин саноат корхоналари рўйхатга олинган. Лекин ҳисоб-китобга олинмаган ҳали ўнлаб шундай объектлар борлиги ҳеч кимга сир эмас.

Яна бир жойи — истеъмолчиларнинг кўрсатилган хизматга ҳақ тўлаш масаласи. Бугунгача уларнинг қарздорлиги вилоят бўйича 4 миллиард 172 миллион сўмни ташкил этмоқда. Мавжуд муаммолар ечимини топиш, аҳолини табиий газга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш юзасидан бўлиб ўтган матбуот анжуманида вилоят газ таъминоти корхонаси мутасаддилари ва иштирокчилар бу ишга асосан жамоатчилик эътиборини кучайтириш керак, деган фикрга келишди.

Шунингдек, анжуманда бу борада корхона раҳбариятининг тез-тез алмаштирилиши ва истеъмолчилар билан корхона тизими ўртасида яқин алоқа ўрнатилмаганлиги ҳам қайд этилди. Бироқ, айни пайтда ҳозир — кутиш, маслаҳатлашиб ўтириш пайти эмаслиги алоҳида таъкидланди. Нима бўлгандаям, аҳолини аёзли кунларда табиий газ билан таъминлаш йўллари изланиши керак, деган фикрга келинди.

■ **Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

Уларнинг аксарияти суд ҳукмидан норозилик, судда иш кўришнинг кечикаётганлиги, асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилганлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, суд ҳукмининг бажарилмаётганлиги тўғрисидаги шикоятлардир. Шунинг учун Омбудсман ҳузуридаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия аъзолари, экспертлар Кенгаши аъзолари, Вакилнинг минтақавий вакиллари вилоятларда жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича суд мажлисларида қатнашяптилар.

**— Республикамизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган бошқа ташкилотлар ҳам мавжуд. Улардан Омбудсманнинг фарқи нимада?**

— Ҳар бир ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсади, вазифалари, йўналиши бор. Омбудсман Парламентнинг барча ижроия органлари устидан анъанавий назорат олиб боришга кўмаклашади, уларни тўлдиради ва кенгайтиради.

Биз, инсон ҳуқуқлари таъминланиши самарадорлигини ошириш мақсадида, республикамизнинг бир қанча ташкилотлари билан битим тузганмиз. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Касаба уюшмалари Федерацияси билан тузилган битимлар шулар жумласидандир.

Омбудсман билан республика Бош прокуратураси ўртасидаги битим доирасида ҳар иккала тузилмага инсон ҳуқуқи бузилган чоғда уни тиклаш масалаларида самарали ҳамкорлик қилиш имкониятини берувчи ўзаро ҳамкорлик кенг ривожланди. Битим доирасида прокуратура вакиллари мамлакат вилоятларида қонунларга риоя этилишини текшириш юзасидан ишчи гуруҳларининг ишида ҳамда мониторинг текширувларида иштирок этдилар. Ҳамкорликдаги ишчи гуруҳи фуқаролардан тушган шикоятлар бўйича текширувлар ташкил этди. Бу ишларни янада фаоллаштириш мақсадида республикамиз минтақаларида ҳам ҳамкорликдаги ишчи гуруҳлари тузилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан олиб борилаётган ҳамкорликда ҳам ижобий натижаларга эришилди. Фуқароларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишдаги ҳамкорлик фаолияти кучайтирилди.

Омбудсман ҳузуридаги экспертлар кенгаши фаолиятида касаба уюшмалари тузилмалари ходимлари иштирок этмоқда. Семинарлар, конференциялар ўтказиш ва қўлланмалар нашр этиш йўли билан фуқароларни меҳнат ҳуқуқлари бўйича ўқитиш ҳамда уни ҳимоя қилиш борасида биргаликда ахборот-маърифий ишларни олиб бориш йўлга қўйилган.

Омбудсманнинг Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва аёлларнинг бошқа ноҳукумат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги, БМТнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини камситишни бартараф этиш бўйича қўмитасининг тавсияларини бажариш борасида 2001-2005 йилларга мўлжалланган режасини амалга ошириш қўл келмоқда. Хотин-қизлар ҳуқуқларига риоя этилиши ва уни ҳимоя қилиш масалалари борасида турли тадбирлар ўтказиш, жойларда хотин-қизлар ҳуқуқларининг таъминланиши мониторингини ўтказиш соҳаларида амалий ишлар қилинмоқда.

Булардан ташқари, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини том маънода таъминлашга ҳисса қўшиш мақсадида Омбудсман институти судьялар, адвокатлар уюшмаси, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, Ҳуқуқий маърифатни тарғиб қилиш маркази, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Тошкент давлат юридик институти, Тошкент ислом университети, Ички ишлар вазирлиги академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети каби олий ўқув юртлари, Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари, «Экосан», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан кенг кўламли алоқалар ўрнатган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан ҳам алоқалар ўрнатилган бўлиб, биргаликда илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда.

**— Халқаро ҳамкорлик Омбудсман фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Бу борада қандай ишлар қилинмоқда?**

— Халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Швеция ва Польшанинг худди шундай тузилмалари билан ҳамкорлик битими тузилди.

Омбудсман котибиятининг бир ходими Марказий Осиё минтақалари учун тажриба алмашиш бўйича ЕХҲТ котибиятининг (Австрия) низоларни бартараф этиш бўйича марказида тажриба ўрганиб қайтди. Польша Республикаси фуқаролар ҳуқуқлари бўйича вакилининг таклифига биноан, ЕХҲТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси кўмагида Омбудсманнинг икки нафар вакили Польшада сафарда бўлди. Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ бўйича Раул Валленберг институтининг таклифига мувофиқ уч нафар вакилимиз МДҲ мамлакатлари учун «Миллий мустақил институтларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни» номли минтақавий ўқув дастури ишида қатнашдилар.

Халқаро ҳамкорликни кучайтириш фаолиятимиз самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

■ **Суҳбатни Кўчқор НОРҚОБИЛ ва Беҳзод ШУКУРОВ ёзиб олдилар.**

МАҲСУЛОТ ВА СИФАТ

# СТАНДАРТЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

**Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини истеъмолчига дунё андозаларида етказиш — мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Маҳсулот рақобатбардошлиги аввало, унинг сифати ва инсон саломатлиги учун хавфсизлигига ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш стандартлари мувофиқлигига боғлиқ. Шу нуқтаи-назардан ҳам товарлар ва хизматлар сифатини яхшилаш, уни янада такомиллаштиришда стандартлаштириш муҳим омил саналади. Бу борада Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги олиб бораётган кенг кўламли ишларни алоҳида эътироф этиш жоиз.**

**«Ўзстандарт» агентлигининг «Стандартлаштириш ва минтақавий сиёсат» бошқармаси бошлиғи Рустам ҲУСАНОВ билан мулоқотимиз ана шу мавзуда бўлди.**

**— Рустам Тўйчиевич, «Ўзстандарт» агентлигининг бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотнинг сифат даражасини белгилаш, кўрсаткичлар рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларга етарли миқдорда ахборотлар етказиб туриш борасидаги фаолияти ҳақида тўхталсангиз.**

— Агентлигимиз маҳсулотлар ва хизматлар сифати рақобатбардошлигини оширишда ишлаб чиқарувчиларга яқиндан кўмаклашувчи марказдир. Мутахассисларимизнинг илмий, амалий ва услубий кўмаги билан ҳар йили меъёрий ҳужжатларни рўйхатга олиш — фондга келиб тушаётган халқаро, давлатлараро ҳамда хорижий мамлакатларнинг стандартлари ҳисобига 3-5 минг донага кўпаймоқда. Ишлаб чиқилган «Сифат менежменти ва маҳсулотларни синаш» тизими маҳсулот сифати кўрсаткичини баҳолаш билан бирга меъёрий ҳужжатлар асосида тўғри маълумотга эга бўлиш талабларини ўргатади. Агентлигимизнинг жойлардаги минтақавий бошқармалари фаолияти ҳам айнан шу талаблар асосида олиб борилади.

**— Сўнгги пайтларда республикамиз халқ хўжалигида кўпроқ маҳаллий хомашёлардан сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Бундан кўзланган мақсад — мамлакат аҳолисини сифатли маҳсулот билан таъминлаш билан бирга экспорт салоҳиятини оширишга ҳам йўналтирилган. Аммо баъзи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат даражасида ноқис томонлари кўриниб қолаяпти. Бу борада нима дея оласиз?**

— Тўғри, ҳозирги кунда баъзи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичи давлат стандартлари талабларига жавоб бермаётгани сир эмас. Жорий йилнинг биринчи ярмида агентлик ва унинг ҳудудий идоралари томонидан мамлакатимизнинг 879 та корхоналарида стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати амалга оширилиб, 1367 номдаги маҳсулот текширувдан ўтказилди. Текширув жараёнида 589 та корхонада стандарт талаблари бузилганлиги, маҳсулотнинг 749 номи меъёрий ҳужжат талабларига мос келмаслиги аниқланди. Стандартлар ва техникавий шартлар талабига номувофиқ маҳсулотларнинг 476 ҳолларда сотилиши ман қилинди. Республика бўйича корхоналардан меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилмаганликлари учун 32164,4 минг сўм ва тақиқланишига қарамасдан маҳсулот сотилгани учун 5387.7 минг сўм жарима ундирилди.

Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, биринчи текширувлар натижасида аниқланган камчиликлар юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ижобий самара бераяпти. Масалан, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган магний хлорати сифатини аниқлаш жараёнида маҳсулотнинг давлат стандарт рўйхатига киритилмаганлиги аниқланган эди. Шунингдек, маҳсулотнинг атроф-муҳит ва инсон соғлигига таъсири даражаси ҳам ўрганилмаган. Қайта текширув натижасида камчиликлар бартараф этилганлиги кузатилди. Ёки Бухоро вилоятидаги «Ғиждувонпарранда» ҳиссадорлик жамиятида товуқ тухумларини тамғалаш бўйича стандарт талаблари бузилган. Агентлигимизнинг Бухоро бошқармасининг услубий ёрдами туфайли корхонада камчиликлар бартараф этилди. Шундан сўнггина ҳар икки корхонага ўз маҳсулотларини сотишга рухсат берилди.

Тошкент шаҳридаги «Афсар Ко ЛТД» қўшма корхонасида текширув ўтказилганда пластмасса идишларга қуйилган ҳолда ишлаб чиқарилаётган арақ давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Бундан ташқари корхонада янги талабларга биноан технологик йўриқномалар ишлаб чиқилмаган. Натижада айбдорларга энг кам маош миқдорида икки баравар жарима солиниб, маҳсулот ишлаб чиқариш тақиқланди. Бундай ҳоллар Андижон вилоятидаги «Наврўз» савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида, Навоий вилоятидаги «Гулшан» хусусий корхонасида, «Шаҳрисабз арақвино» ҳиссадорлик жамиятида ҳам кузатилди.

**— Хориждан олиб келинаётган маҳсулотлар назорати-чи?**

— Жорий йилнинг ўтган даврида республиканинг 98 корхонасида импорт маҳсулотларининг 76 тури текширилди. 409.6 минг сўмлик маҳсулот яроқсиз деб топилиб, савдога қўйиш ман этилди. Масалан, Самарқанд вилоятидаги 9 та савдо шахобчаларида импорт маҳсулотларнинг 17 тури текширилганида яроқсиз деб топилган маҳсулот миқдори 351.2 минг сўмни ташкил этди. Жавобгар шахслар маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Ёки Андижон вилоятидаги «Юсуфбек Ҳожи» дўконида сотилган кир совуннинг ҳам мувофиқлик сертификати йўқлиги аниқланиб, маҳсулотни сотиш тақиқланди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига эътибор — республика иқтисодиётини ривожлантиришга катта ҳисса. Шундай экан, корхоналар бу борада ўз масъулиятларини чуқур ҳис этишлари ва жаҳон бозорига рақобатбардош, сифатли маҳсулотлари билан иштирок этишлари йўлида изланишлари лозим.

■ **Суҳбатдош Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# «МАТИЗ» УЧУН БЕНЗИН БАКЛАРИ

Тўрт йилдирки, Андижонда фаолият кўрсатаётган «Ўзсэмюнг» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси жамоаси яқиндан бошлаб «ЎзДЭУавто»нинг «Матиз» автомобиллари учун бензин баклари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

«ЎзДЭУавто» билан тузилган шартномага кўра, корхона йил охиригача 1400 бензобак ишлаб чиқариши керак.

«Ўзсэмюнг» қўшма корхонасида жорий йилнинг ўтган даврида «Нексия», «Тико» автомобиллари, «Дамас» микроавтобуси ва «Нексия»нинг янги «Донс» русуми учун 23,1 минг донадан ортиқ бензобаклар ишлаб чиқарилди.

■ **«Туркистон-пресс»**

# ҲИНД ОЛИМИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Конституцияни моддама-модда ўрганишни ҳаёт тақозо этмоқда. Зеро, Юртбошимизнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишлари бу борада қалб кўзимизни янада тийранроқ очишга ундади.

Пойтахтимиздаги Лаъл Баҳодир Шастри номли 24-ўрта мактабда Ўзбекистондаги Ҳиндистон маданияти маркази билан биргаликда ўтказилган «Қомусимиз — фахримиз» мавзуидаги анжуманда сўзга чиққанлар Бош қомусимизнинг фуқаро эркинлиги ва бахт-саодати йўлидаги аҳамиятига алоҳида тўхталдилар. Айниқса, Ҳиндистон ва Ўзбекистон Конституциялари ҳақида маъруза қилган ҳинд олими, Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида кафедра мудири вазифасида ишлаётган доктор Сухаш Чакработининг мулоҳазалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Олим Бош қомусимиз ҳақида тўхталар экан, унга «Дунёдаги энг мукаммал Конституциялардан бири» дея таъриф берди. Унинг рафиқаси, Деҳли университети доценти доктор Сачи Чакработи эса ҳинд адабий меросининг жавоҳирларидан ҳисобланган «Рамаяна»нинг ҳуқуқ борасидаги бобларини ҳинд тилида ўқиб берди.

Анжуман сўнггида республикамиздаги Ҳиндистон маданияти маркази директори Жозеф Лабо мактабга ҳинд ва инглиз тилларида чоп этилган журналлар ва ўқув қўлланмаларини тақдим этди.

■ **Саодат НАЖИМОВА, ЎзМУ магистранти**

БАНК ВА МИЖОЗ

# МИЖОЗ ЭЪТИБОРИГА ТУШИШ ОСОНМАС

## — дейди «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Охунбобоев бўлими бошқарувчиси Дилафруз Ўрмонова



Қарс икки қўлдан, деган ибора бор. Шу жиҳатдан бўлса керак, кредит берувчи ва кредит олувчини бир машҳур иқтисодчи икки қўлга қиёслаганди.

Ҳақиқатан, кейинги кезларда банкдан олинган кредит маблағлари ёрдамида сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан эл-юрт равнақига ҳисса қўшувчилар анча кўпайди.

— Дадил фаолият олиб бораётган банкни мамлакат иқтисодиётининг қон томирига қиёслаш мумкин, — дейди суҳбатдошимиз. — Шу нуқтаи назардан банкимиз бўлими ҳудуддаги халқ хўжалигининг барча жабҳаларини қамраб олган. Эришаётган ютуқларимизни, аввало, ҳукуматимизнинг банк тизимига алоҳида эътибор бераётганлигидан ва бошқарув тизимида кечаётган ислоҳотларнинг самарадорлигидан деб биламан. Мижозларимиз сонининг кундан-кунга ортиб бораётганлиги, биринчи навбатда, банкнинг ҳар бир ходимидан ўз устида қатъий ишлаш, изланиш ва бугунги бозор талаблари моҳиятини теран англашни талаб этаётганида, десам янглишмайман.

Сўнгги йилларда банклар фаолиятини янада такомиллаштириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича талай фармонлар, қарорлар чиқди. Уларнинг барчаси, бир сўз билан айтганда, халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида банк бўлими томонидан ҳамкорликда иш юритаётган кичик ва ўрта бизнес тадбиркорларига, хўжалик ҳамда корхоналарга жами 375.015000 сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди. Жумладан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 169.660.000 сўм, аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатишга 24.000.000 сўм, чорвачиликни ривожлантиришга 35.600.000 сўм, ёшларнинг олий ўқув юртларида таълим олиши учун 1.180.900 сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол моллари билан таъминлашга эса 144.575.000 сўм йўналтирилди. Улар мижозларимизга катта иқтисодий самаралар кўриш имконини берди. Масалан, «Барк» хусусий фирмаси берилган кредит эвазига жамоа ишлаб чиқаришига муҳим янгиликлар киритди. Консерваланган гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш жорий этилди. «Ниғмонбекота» деҳқон хўжалиги эса олинган 3,5 миллион сўмлик кредитга 8 бош қорамол сотиб олиб, ҳозир уларнинг сонини 25 бошга етказди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш бўйича қатор фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳамда якка тартибда фаолият юритаётган бошқа тадбиркорларни микрокредитлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Хусусий тадбиркор Одил Абдулҳакимовга апрелда 3.480.000 сўмлик кредит берган бўлсак, ҳозир у айланма маблағини оширишга эришаяпти...

Суҳбатдошимиз ҳикоясидан маълум бўлдики, банк бўлимида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш бўйича «Ҳуқуқий ва иқтисодий маслаҳатхона» фаолият кўрсатмоқда. Ишонч телефони ишлаб турибди. Мижозларнинг дебитор ва кредитор қарзларини камайтириш, республика «Ўзсаноатқурилишбанк»и бошқаруви кўрсатмалари асосида тўлов-ҳисоб ишларини барқарорлаштириш ва берилган кредитлардан мақсадли фойдаланишни ҳамда белгиланган муддатларда қайтаришни таъминлаш бўйича ҳам доимий ишлар олиб борилмоқда. Бунда бўлим ходимларидан Комилжон Аҳмедов, Хайрулла Абдураимов каби хизматчиларнинг меҳнати ибратли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта бизнес тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан тайёрлов корхоналарини доимий равишда нақд пул билан таъминлаб туриш бўлим диққат марказида. «Банк-мижоз» дастурига кўра мижозлар келажакда бўлимга келмасдан банк операцияларини ўз манзилларида туриб ҳам компьютерлар ёрдамида амалга ошириш имконига эга бўлишади.

— Маълумки, — сўзини якунлади Дилафруз Ўрмонова, — бугунги кунда банклар учун аҳоли қўлидаги бўш маблағларни жалб этиш муҳим масалалардан бири. Бўлимимиз жамоаси бу борада муайян ишлар олиб бормоқда. Мақсадимиз — аҳолининг ишончини қозониб, банк фаолиятини фаоллаштириш ва салоҳиятини оширишдир.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ҚИЛМИШ - ҚИДИРМИШ

# КЎЗИ ОЧИЛМАГАН ГУМРОҲ

## ЯНА ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРДИ...

Ёзнинг салқин оқшоми, «Тошкент — Сирдарё» электропоезди Янгийўл бекатига тобора яқинлашмоқда. Тошкентдан бозор-ўчар қилиб қайтаётган йўловчилар кунбўйи югур-югурдан чарчаган шекилли, баъзиларининг кўзлари илинаёзганди. Поезднинг кучли сигналидан ҳамма бирдан сергак тортди. Саноқли дақиқалардан сўнг поезд ғийқиллаб тўхтади.

— Ҳаммаси тамом... — деди машинист А.Тўрақулов.

Поезд бир йўловчини босиб кетганди. Машинист зудлик билан воқеа ҳақида хабар бергани шошилди.

Марҳум Янгийўл шаҳрига суд тиббий экспертизадан ўтказиш учун жўнатилди. У ерда эса марҳум поезд «босишдан» олдин кўп бор тан жароҳати олганлиги аниқланди.

✧ ✧ ✧

«Жанубий вокзал»да ўғлини кўрган Ҳайдарали ака ҳайрон қолди.

— Ишга бормай, нимага дайдиб юрибсан?

— Ота, иш оғирлик қилди. Бошқа иш топмоқчиман.

Фарҳоднинг юзлари тирналганини кўрган Ҳайдарали аканинг кайфияти бузилди. У ўғлининг кўп ичишини яхши биларди.

— Яна бир касофат ишни бошламадингми? — деди жиддий оҳангда.

— Йўқ. Кеча ўртоқлар билан сал ёқалашиб қолдик.

Отасининг яна асаби бузилди.

— «Ўтириб келиб» ҳам кўзинг очилмади, сен боланинг. Уйлансанг босилиб қоларсан, дегандим. Бироқ, одам бўлмадинг. Мени ўйламасанг ҳам, оилангни ўйласанг-чи!..

Ота ўғлига ана шундай насиҳат қилиб турганда катта ўғли Фахриддин ҳовлиқиб келиб қолди.

— Фарҳод, сени бир гуруҳ милиция ходимлари қидириб келди. Тинчликми, биров билан жанжаллашмаганмидинг кеча?

— Йўқ...

Бу хабарни эшитган Фарҳоднинг ранги оқариб кетди. Кўз олдида кечаги мудҳиш воқеа намоён бўлди. Ўзича пичирлади: «Ҳаммасини билишибди-да».

✧ ✧ ✧

...Фарҳод ўша куни уйидагиларга: «Ишга кетаяпман. Эртароқ қайтишга ҳаракат қиламан», — деди. Катта йўлга чиққанида арақ кўтарган кишини кўриб, ўзича унга ҳавас қилди.

Ҳавас уни дўкон томон етаклади. Икки шиша вино олиб, Янгийўлдаги ғишт заводига бориш учун йўлга отланди. Ўзича ўйлади, «Зора у ерда эски улфатларни учратсам, бир мазза қилардик». «Маршрутка»дан тушиши биланоқ бир йўловчига дуч келди. Фарҳоднинг қўлида винони кўрган бу одам, оғзидан суви оқиб, тамшанди.

— Ука, улфат кўринасан. Бир эримайсанми? — деди.

— Стакан топсангиз, бир дардлашардик.

Сўнг икки улфат танишишди.

— Менинг исмим Абдуғани.

— Меники Фарҳод.

Гап гапга қовушди. Суҳбат «қизигандан қизиди». Бир дона стакан билан газакни олган икки улфат автобус бекатининг орқа томонига ўтишди. Яна суҳбат авж олди. Иккинчи шиша бўшашига озгина қолганда Абдуғанининг феъли айниди.

— Сен мени ким деб ўйлаяпсан? Икки шиша винонгни миннат қилаяпсанми? — деб чўнтагидаги пулни кўрсатди.

— Гап пулда эмас. Ичаман десанг яна олиб келишим мумкин, — мағрурланди Фарҳод.

— «Пулинг билан мақтанма» деди Абдуғани ва Фарҳоднинг юзига мушт туширди. «Жанг» бошланди. Фарҳод ҳам улфатини аяб ўтирмади. Рақибига кучи етмаслигини сезган Абдуғани ёнидаги пичоғини яланғочлади. Фарҳод эса бир ҳамла билан рақибининг қўлидаги пичоқни олди-да, унинг тўғри келган жойига ура бошлади. Кўп ўтмай қонга беланган Абдуғани тинчиб қолди. Фарҳод қотилликнинг изини йўқотиш учун марҳумни унча узоқ бўлмаган поезд йўлидан судраб ўтиб чуқурга ташлаб юбормоқчи бўлди.

У мурдани судраб темир йўлдан ўтказмоқчи бўлганида Абдуғанининг кийими рельсга илиниб қолди. Фарҳод ҳарчанд уринмасин, мурдани жойидан силжита олмади. Шу пайт кучли сигнал билан зулматни ёриб, Тошкент — Сирдарё йўналишидаги электропоезд келарди. Фарҳод мурдани ташлади-ю, қочди. Кўп ўтмай поезднинг тормоз берган овози эшитилди. Аммо уни тўхтатишнинг иложи бўлмаганди.

✧ ✧ ✧

Яқинда Фарҳод Асқаровнинг жиноят иши Тошкент вилояти судида кўриб чиқилди. Кўзи очилмаган гумроҳ узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Энди ўйлаб кўрайлик, бекорчилик, ичкиликбозлик, ҳаётга енгил-елпи қараш оқибати эмасми бу.

■ **Фурқат ХАЛИЛОВ, Тошкент транспорт прокуратурасининг терговчиси**

МОЗИЙДАН САДО

# НОЁБ ТОПИЛМА



Юртимиз тупроғида қанчалаб буюк зотлар, азиз авлиёлар яшаб ўтган. Улар қолдирган маданий мерос дунё халқларини ҳамон лол қолдириб келмоқда. Дарҳақиқат, миллатимиз равнақига ўз илмий ва маърифий амаллари билан ҳисса қўшган алломалар истиқлол шарофати билан яна қадр топмоқда. Ана шундай алломаларнинг бири — XVIII асрнинг иккинчи ярмида Нақшбандия тариқатининг пири муршиди Ҳазрати Муҳаммад Мусохонхожа ибн Исохожа Даҳбедийдир.

Яқинда Маҳдуми Аъзам авлодидан бўлмиш Исматуллохонхожа Набирахонхожа ўғли Даҳбедийнинг (1898-1991) қатағон йилларида ўз жонини хавф остига қўйиб бўлса-да, бизнинг давримизгача етказиб келган қадимий китоблари ичидан сарғайиб кетган иршоднома (яъни пирлик хуқуқини берувчи ҳужжат) топилди. Иршоднома Самарқанднинг қадимий машҳур қоғозига насталиқ хатида битилган. Тўртта муҳр билан тасдиқланган ушбу иршоднома Нақшбандия тариқатининг улуғ қутбул-ақтоби (яъни бузург қутблар қутби) бўлмиш Ҳазрати Мусохонхожа Даҳбедийнинг Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)гача етиб борадиган нисбати маънавийлари ёзилган иршодномалари бўлиб чиқди. Тўртбурчакли муҳрларнинг биринчисида: «Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм! Абу Бакр, Умар, Усмон, Али розиоллоҳу анҳум. Ҳижрий 1070 йил», деб ёзилган. Иккинчи муҳрда: «Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм! Йусаммиъуна-ар (англатадилар, билдирадилар маъносида). Ҳижрий 821 йил» деб, учинчи муҳрда: «Кафолату наҳво низолату - Бадарға» (сургундан ҳимоя кафолати), деган сўзлар ёзилган. Тўртинчи муҳрда эса: «Або Мусо башар-ул-Авлиё (Мусохон ўз замонасининг авлиёси деган маънони англатади). Ҳижрий 1028 йил», сўзлари ёзилган. Иршодноманинг охирида ёзилган 1297 (1879) санаси унинг XIX асрда ёзилганлигини билдирса-да, аммо муҳрларнинг анча қадимийроқ эканлиги иршодноманинг илмий аҳамиятга молик ҳужжатлардан эканлигини англатиб турибди.

Шу ўринда Нақшбандия тариқатининг улуғ намояндаларидан бири Мусохонхожа ва унинг илмий мероси ҳақида бироз тўхталиб ўтиш жоиз.

Ҳазрати Мусохонхожа XVIII асрнинг бошларида Даҳбедда туғилган. У кишининг оталари Муҳаммад Исохожа ибн Муҳаммад Бобохожа ибн Муҳаммад Розиқхожа ибн Абдулмўъминхожа ибн Ҳошимхожа ибн Муҳаммад Амин Хожа Калон ибн Маҳдуми Аъзам (Сайид Аҳмад) бўлиб, ўз замонасида нуфузи жуда баланд бўлган.

Ҳазрати Мусохонхожа Даҳбедий ўз даврининг буюк тасаввуф назариётчиларидан эди. Тасаввуф ва шариатга оид «Касирул-фавоид» (Тазкираи эшони Мусохон), «Жоми жаҳон намои», «Айнул-маъоний», «Дорул-асрор», «Санадул-аброр», «Зубдатул-ҳақоиқ», «Наводирул-маориф», «Дар фазилати Пайғамбар», «Дорул-макнун», «Маҳзанул-таъриф» каби асарлар ёзган. Бу ва шунга ўхшаш асарлар шуниси билан аҳамиятлики, уларда нафақат дини ислом қоидалари, шунингдек, ўша давр ҳақида илмий ва тарихий маълумот берувчи ноёб битиклар ҳамдир.

Нақшбандия силсиласининг таниқли намояндаси Ҳазрати Муҳаммад Мусохонхожа Даҳбедий сулукка 18 йил раҳбарлик қилгач, ҳижрий 1190 (милодий 1776) йил вафот этган ва Маҳдуми Аъзам даҳмасининг ўртасида дафн қилинган.

Энди биз тилга олиб ўтган ноёб топилма — иршоднома матнидан келтирилган қуйидаги парча билан танишсак:

«Бу нусха касирул-фавоидноманинг халифа Исматуллохожа як авлоди Муҳаммад Мусои Даҳбедий

**Ҳазор шустам даҳон**
**бо мушки гулоб,**
**Ҳануз номи ту гуфтам**
**маро намешояд.**

Яъни:

**Минг бор ювсамда мушку**
**гулоб ила даҳонимни,**
**Сени номингни, эй Оллоҳ,**
**ҳануз айтолмайман».**

*(Форсий матннинг таржимаси.)*

Иршодномани бизнинг давримизгача асраб-авайлаб етказиб келган Исматуллохожа Набирахожа ўғли қатағон даврларида кўп азоблар тортган ва қийналиб бўлса-да, ўнлаб китоб ва ҳужжатларни бизга мерос қолдирган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу иршодноманинг тадқиқи Нақшбандия тариқатининг XX асрдаги пирлари, уларнинг жамиятдаги мавқелари ва баъзи тарихий воқеотларни ёритишда катта аҳамият касб этади.

■ **Аламхон ИСМАТУЛЛОХОЖА ўғли,**
**Самарқанд вилояти.**

ҒАФУР ҒУЛОМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# БИЛИМДОН ВА ДОНИШМАНД АДИБ

## ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

Ҳаётда ибратли воқеалар юз беради. Айримлари ўзларининг аҳамияти ва кўлами билан тарихда из қолдиради. Ўшаларни эслаш, ёшларга ўтмишдан сабоқ бериш фойдадан холи бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Шулардан бири улуғ шоиримиз Ғафур Ғуломнинг 50 йиллик юбилейини ўтказиш тадбири эди.

Ўшанда юбилей масаласини ҳал қилишда ҳар хил қарашлар бўлди. Адиблар орасида ҳам, раҳбарлар ўртасида ҳам тирик шоирнинг 50 ёшини тантана қилишга ҳожат бормикин, деганлар топилди. Юбилей қилинса, у талтайиб кетади, кеккайиб қолади, кейин босар-тусарини билмай қолиши мумкин, дегувчилар ҳам бўлди. Лекин кўпчиликнинг фикри билан Ғафур Ғуломнинг юбилейи ўтказиладиган бўлди. Ҳукуматнинг қарори чиқиб, юбилей комиссияси тузилди.

Кўпдан-кўп мақолалар тайёрладик, радиода кимлар чиқишларини аниқлаб, уларни амалга ошира бошладик. Булар ичида энг муҳими — икки нарса эди: бири Ғафур Ғулом ҳақида монография ёзиб чоп этиш, иккинчиси эса илмий сессияни тайёрлаш ва ўтказиш. Комиссия мажлисида камина (ўша вақтда Тил ва адабиёт институтининг директор ўринбосари лавозимида хизмат қилардим) қилаётган ишлар хусусида батафсил ахборот бериб, комиссиядан монографияни чоп эттиришга кўмак беришларини илтимос қилдим. Комиссия бизнинг тадбиримизни маъқул топди.

Адабий жамоатчиликнинг ғайрати, юбилей комиссиясининг ёрдами билан адабиётшунос олим Ҳомил Ёқубовнинг «Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди» номли монографияси халққа етказилди. Бу китоб тирик адибга бағишланган биринчи илмий-оммабоп монография эди. Аммо Ҳомил Ёқубовнинг бу хайрли ишини барча ҳам маъқул топавермади. У орқали Ғафур Ғуломга тош ота бошлашди. Тезда «Звезда Востока» журналида танқидчи, таржимон М. Сальенинг салбий мазмундаги тақризи эълон қилинди. Тақризда китоб ер билан яксон қилиниб, Ҳомил Ёқубов шоир ижодини нотўғри талқин қилган, унинг ижодини ўринсиз равишда мақтовлар билан тўлдириб юборган, деган даъволар келтирилди. Танқид китобдаги мадҳиябозликдан кўра кўпроқ Ғафур Ғуломни камситишга қаратилган эди. Журналнинг нохолис тақризига муносабат билдириш амримаҳол эди. Чунки «Звезда Востока»нинг бош муҳаррири бўлган В. Мильчаков Ёзувчилар уюшмасида партия ташкилотининг котиби эди.

Одамлар В. Мильчаковдан ҳайиқишарди, ҳатто қўрқишарди ҳам. Чунки у бирор туҳмат билан инсонларни бадном қилиб юбориши ҳеч гап эмасди. Унинг даҳшатли қиёфасини ўз тажрибамизда ҳам синаб кўриб, азобини тортганмиз. Ёзувчилар уюшмасининг пленумида камина М. Салье тақризининг бирёқламалилиги, нохолислилигини танқид қилдим. Кўпчилик хайрихоҳлик билан қарагандай эди, аммо В.Мильчаков минбарга чиқиб, аюҳаннос сола кетди. Абдусаматовга ўхшаган адвокатлар керак эмас бизга, у билиб-билмасдан катта олимга асоссиз ҳужум қилди, энг яхши журналимиз «Звезда Востока»нинг обрўсини тўкмоқчи бўлди, деб мени савалаб кетса бўладими!

Бу билан у тинчимади, фурсати келиши билан менинг ва Ҳомил Ёқубовнинг оёқларимиздан чалишга уринди. Мана икки далилни келтирай. Ёзувчилар уюшмасининг деворий газетасида Тил ва адабиёт институти чиқарган илмий-тадқиқотларни сифатсиз, илмий қийматга эга бўлмаган китоблар, деб шафқатсизларча танқид қилдирди. Бу танқид фақат илмий ходимларга эмас, балки институт раҳбариятига, бевосита менга қаратилган эди. В. Мильчаков уюшмадаги ҳамма тармоқларни қўлга олиб, билган номаъқулчиликларни қилаверди, унинг мушугини «пишт» дейдиган азамат топилмади.

Ҳомил Ёқубовнинг ижодий фаолияти билан боғлиқ бўҳтон «Правда Востока» газетасида Азиз Ниаллонинг имзоси билан (газетада ўзгартиришиб Маликов исми билан беришган) «Поклонник ханской музы» деган сарлавҳада босилиб чиқди. Унда муаллиф олимнинг шоир Турди ҳақидаги ва бошқа тадқиқотларини тилга олиб, уни қоралаб кетади. Гўё Ҳомил Ёқубов феодал даври адабиётини, шоирларини кўкларга кўтариб мақтаган феодализмнинг қули сифатида ўтмиш адабиётини талқин қилган эмиш. Бундай қарашлар ғирт ёлғон бўлиб, уларнинг мақсади атоқли адабиётшуносимизни бадном қилиш эди.

Мақола босилиб чиққандан кейин Тил ва адабиёт институтининг раҳбарларига тинчлик беришмади. Таҳририят кунора институтга қўнғироқ қилиб, мақолага муносабат билдиришимизни, уни маъқуллаб жавоб ёзиб «айбдор»ни жазолашимизни талаб қилди. Биз икки ўт ўртасидаги азоб гирдобига тушиб қолдик. Агарда таҳририятни қувватласак, виждонимизга хиёнат қилган бўламиз. Олимни ҳимоя қилишга ўтсак, партия органига қарши иш қилишяпти, деб балога қолар эдик. Нима қилиш керак? Биз йўлини топдик. Ҳар сафар мумтоз адабиёт катта, қийин, мураккаб, уни чуқур ўрганиб чиқишимиз лозим, бунга вақт керак, деб баҳона қилавердик. Жавобни кечиктириб, мақоланинг аҳамиятини йўқотиб, секин-секин уни тинчитиб юборишга муваффақ бўлиб, катта олимни сақлаб қолдик. Бу отилган ўққа нишон бўлиб Ғафур Ғулом ётарди. Унга турли йўллар билан ҳужумни кучайтириб боравердилар. Ёзувчилар уюшмасидаги бир мажлисда В. Мильчаков рус шоирлари камситиляпти, уларга эътибор йўқолиб боряпти, деб гапини асослаш учун мисол келтиради. «Ғафур Ғулом шеърларининг ҳар бир мисрасига бир ярим-икки сўмдан тўлашса, буюк рус халқининг шоири мисрасига бор-йўғи бир сўмдан ҳақ беришяпти», деб қолди. Бу ерда В. Мильчаков ўзини назарда тутиб, улуғ шоир билан тенглашмоқчи бўлиб, қалам ҳақини у билан баб-баравар олиш масаласини қўйган эди.

В. Мильчаков Ғафур Ғуломга тинчлик бермай, асабига тегаверганидан безор бўлган устоз Тил ва адабиёт институтининг раҳбарига қўнғироқ қилиб, партия учётини бизнинг ташкилотга олиб ўтишга ижозат беришимизни сўраган.

Мана шундай вазиятда Ғафур Ғулом ижодига бағишланган илмий сессияни ўтказиш, уни матбуотда кенг тарғиб қилишга тўғри келган.

Очиғини айтиш керак, илмий сессиянинг маданий ҳаётимизда, ўзбек миллий адабиётимизда аҳамияти чексиз эди. Шунинг учун унга катта эътибор берилди. Бундай тадбир — ҳали ҳаёт ёзувчи юбилейи биринчи бор ўтказилди. Бу илмий сессияни Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳайъати билан Республика Ёзувчилар уюшмаси бирга тайёрлаган ва 1953 йилнинг май ойида амалга оширган эди.

Характерли томони шундаки, бу тадбирда фаннинг барча соҳаларидаги энг йирик олимлар қатнашди.

Илгари, гарчи устознинг барча асарларини мутолаа қилиб чиққан бўлсам ҳам, кейинчалик у зот билан тез-тез учрашиш, мулоқотда бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Мумтоз адабиёт хусусида, жаҳон классиклари, замонавий адиблар тўғрисида суҳбатлар ўтказиб, бу алломадан кўп нарсани билиб олдим. Улуғ шоир Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим сифатида узоқ вақт ишлаб, адабиётшунослик фанини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган. У зот билан бирга ишлаш жараёнида адабиёт ва фольклор соҳасидаги фаннинг кўп тармоқларига, чигал муаммоларига аниқлик олиб кириб, ёш олимларнинг мушкулини осон қилди.

Унинг донишмандлиги ва билимдонлиги ҳақида ўзим гувоҳи бўлган айрим далилларни келтирай. Бир даврада Озарбайжоннинг йирик шоирлари Сулаймон Рустам ва Наби Ҳазри билан Ғафур Ғулом ўртасида мушоира бўлиб ўтди. Гап Низомий ва бошқа мумтоз шоирлар ижоди устида кетди. Устоз озарбайжон тилида мушоирани шундай қойил қилиб олиб бордики, охирида улар «Ғафур бўлди, биз енгилдик» деб қўл кўтаришди.

1959 йилда Осиё ва Африка ёзувчиларининг конференцияси олдидан Франциядан келган араб адабиётининг энг зўр билимдони билан Ғафур Ғулом адабиёт ва санъат нашриётида учрашиб қолиб, араб тилида араб адабиёти хусусида суҳбатлашиб кетди. Меҳмон ўзбекнинг билимдон адиби олдида хижолат чекиб, қизарди, «араб адабиётини мендан яхши биларкансиз», деди сўнгра.

Ғафур Ғуломнинг ўта билимдон ва донишмандлиги ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Устоз шўро тузуми сиёсати ва мафкурасининг қобиғини ёриб ўтиб, унумли ижод этиб, ажойиб бадиий дурдоналар қолдирди. Ғафур Ғулом адабиётимиз ва халқимизнинг фахри эди ва шундай бўлиб қолади.

■ **Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,**
**профессор**







Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди

# БИЗНЕСФОНД

жамоаси мамлакатимиз халқини, хусусан, барча тадбиркорлар ва ишбилармонларни XXI асрнинг учинчи йили — **2003 ЙИЛ** билан қизғин ва самимий муборакбод этади.

*Янги йил янги режалар, янги ишлар, янги муваффақиятлар йили бўлсин! Ҳар соҳада тараққиёт, ривожланиш ҳаётимиз мезонига айлансин!*

*Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз ватандошлар!*



# «ХОРАЗМ ШАКАР»

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

**ватандошларимизни Янги йил билан қизғин ва самимий муборакбод этади.**

*Ўтаётган йилда корхонамиз ўзининг лойиҳадаги қувватига эришиш борасида катта одим ташлади. Зеро, истиқлол фарзанди ҳисобланмиш корхонамиз мамлакатимизда шакар мустақиллигига эришиш йўлида бунёд этилган. Биз бу йўлда аниқ маромда ишлаяпмиз.*

*Ўзбекистоннинг барча фуқароларини қутлуғ айём билан чин дилдан қутлар эканмиз, Ватанимизнинг истиқболи порлоқ, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини тилаймиз, хонадонларидан тўкин-сочинлик ва қут-барака аримасин.*






## НЕФТЬ ЕТКАЗИБ БЕРОЛМАЙДИ, АГАР...

Дунё мамлакатларига нефть экспорти билан шуғулланувчи ташкилот — ОПЕК жаҳон энергетика бозорига етарли ва узлуксиз нефть етказиб беролмайди, агарки, АҚШ ва Буюк Британия ОПЕКнинг аъзоси бўлмиш Ироққа қарши уруш эълон қилса. ОПЕК президенти, Жазоирнинг энергетика ва кон саноати вазири Шокиб Халил Араб давлатлари нефть экспорти ташкилотига аъзо мамлакатларнинг энергетика ва кон саноати вазирлари қатнашган Қоҳира конференциясида бу ҳақда баёнот берди.

БМТ томонидан қўлланилган иқтисодий жазо шароитидаям «Озиқ-овқатга нефть айирбошлаш» дастурига кўра, Ироқ бир кунда жаҳон бозорига 2 миллион баррелгача нефть чиқармоқда. Бундан ташқари яна шуни ҳисобга олиш керакки, деди Шокиб Ҳалил, Ироққа қарши уруш очилгудек бўлса, жаҳон бозорига энг кўп нефть етказиб берувчи Форс кўрфази атрофидаги бошқа давлатларга ҳам бу урушнинг таъсири тегади ва натижада нефть экспортида узилишлар юзага келиши мумкин, дейилади «Новости» агентлигининг ахборотида.

## МИЛЛИЙ БОҒДА ҚИДИРУВ

АҚШ федерал текширув бюросининг бактериологик қуроллар бўйича экспертлари Мэриленд миллий боғидаги сув ҳавзасидан махфий лабораториялардан бирининг ускуналарини қидирмоқда. Негаки, уларда Сибир яраси штаммлари (микробиологияда вакцина ва сиворотка ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган микроорганизмлар) бўлиши мумкин, дея тахмин қилинмоқда.

Гап шундаки, махфий лабораториянинг собиқ ходими Форта Дерик Стивен Хэтфиллнинг бюрога хабар беришича, Сибир яраси «юққан» лабораториянинг айрим ускуна ва жиҳозлари айнан шу ҳавзага яширинча ташлаб юборилган экан, дея хабар беради Associated Press агентлиги.

## БИРИНЧИ ТАШРИФ

Япония Бош вазири Дзюнъитиро Коидзуми январь ойида Хабаровскка ташриф буюради. «Новости» агентлигининг берган маълумотига кўра, бу ҳақда Япониянинг Хабаровскдаги бош консуллиги хабар тарқатган. Консуллик вакилининг айтишича, Япония Бош вазирининг Узоқ Шарққа қиладиган бу ташрифи тарихда биринчи марта содир этилишидир. Ташриф тахминан 2003 йил 12 январга мўлжалланмоқда.

## ҲАЛОКАТ САБАБЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА



Харьков давлат авиация ишлаб чиқариш корхонаси Украинанинг «Ан-140» самолёти Эронда ҳалокатга учраганлиги ҳақида хабар тарқатди.

Самолётда жами 44 киши — 6 нафар экипаж аъзоси ва 38 нафар мутахассис бор эди. Шундан 5 нафари Россия фуқаролари. Уларнинг барчаси ҳалок бўлган.

Самолёт Харьков — Трабзон (Туркия) — Исфахон йўналиши бўйича учиб кетаётиб, тоққа урилган.

Парвозни экипаж командири, иккинчи даражали синовчи-учувчи Анцибор Геннадий (жами 2000 соатлик парвоз қилган, шундан 160 соатини «Ан-140»да амалга оширган. Исфахон аэродромига 7 марта учган) ва иккинчи учувчи, биринчи даражали синовчи-учувчи Чайченко Сергей (жами 6600 соатлик парвоз қилган, шундан 651 соатини «Ан-140»да амалга оширган, Исфахон аэродромига 16 марта учган) бошқарган.

Самолёт бортида Украина ва Россия Федерацияси авиация ишлаб чиқариш соҳасининг етук мутахассислари, яъни Харьков авиазаводи раҳбариятининг вакиллари, шунингдек, «Рубина», «Авионика», «Агрегат», «Южмаш», «Электроприбор», «ФЭД», «Прогресс», «Гиппронииавиапром» ва «ИнтерАМИ-Интерьер» заводларининг кўзга кўринган ходимлари бўлиб, улар Украинада ва Эронда, шунингдек, Россиянинг Самарадаги «Авиакор» заводида «Ан-140» самолёти ишлаб чиқарилишида бевосита иштирок этган. Улар Эронда йиғилган «Iran-140» самолётига бағишланган маросимга таклиф этилган эдилар.

Россиянинг Исфахондаги бош консули Иван Исаченконинг хабар беришича, авиаҳалокатда ҳалок бўлган барча кишиларнинг мурдалари топилган. Ҳалокат сабаблари аниқланмоқда, дейилади «Новости» ахборотида.

## МУЗЛАР ҚУРШОВИДАН ЧИҚДИ

Шу йил 11 июнда немисларнинг «Магдалена Ольдендорф» кемаси Антарктидада музлар қуршовида қолган эди. Бу ҳақда газетамизнинг ёзги сонларидан бирида хабар берган эдик.

Ўшанда кемани қутқариш учун қилинган барча уринишлар бесамар кетган, натижада кемадаги Россия тадқиқотчи-қутбчиларини, шунингдек, экипажнинг асосий қисмини Жанубий Африка вертолётларида Кейптаунга келтириш, кемада қолганларга эса озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечак етказиш ишлари амалга оширилган эди. Шундай қилиб кема Антарктидадаги Россиянинг «Новолазеревск» илмий-тадқиқот станциясидан 400 километр шимолдаги Маскегбухта кўрфазида роппа-роса 200 кун музлар қуршовида «тутқунлик»да турди. Мана энди у ерларга ёз келди. Музлар эриб, «Магдалена Ольдендорф» озодликка чиқди ва Кейптаунга етиб олди.

«Новости» агентлигининг хабар беришича, унинг бортида 17 нафар денгизчи бор. Улар Украина, Филиппин, Гана ва Малдив фуқароларидир.








# NOVATOR

**ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**

*Ўзбекистон аҳлини кириб келаётган ЯНГИ 2003 ЙИЛ байрами билан чин қалбдан самимий муборакбод этади.*

Мазкур йил Ватанимизда иқтисодий юксалиш йили бўлишига ишончимиз комил. Жонажон Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда улкан зафарлар тилаймиз. Янги йил юртдошларимизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик, хонадонларга файзу барака келтиришини чин дилдан истаймиз.

**Янги йил байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!**





**РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ НУФУЗЛИ БАНКЛАРИДАН БИРИ —**

# «АЛОҚАБАНК»

**АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ**

жонажон Ўзбекистонимиз барча фуқароларини, мамлакатимизга ташриф буюрган меҳмонларни ва кўп сонли мижозларини

*Янги 2003 йил*

**билан самимий қутлайди!**

*2002 йилни кузатар эканмиз, биз ўз мижозларимиздан миннатдор эканлигимизни айтиб ўтмоқчимиз. Банкимиз халқ фаровонлигини ошириш, мижозларга хизмат кўрсатиш савиясини кўтариш борасида сезиларли натижаларга эришди. Ўйлаймизки, кириб келаётган 2003 йил ҳам баракали бўлади. Ниятимиз шуки, Янги йил барча ватандошларимизга, ҳар бир оилага бахт-саодат, шодлик ва фаровонлик келтирсин!*

**Барчангизни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз ҳамда WESTERN UNION халқаро тизими орқали пул маблағларини ўтказишни таклиф қиламиз.**

**Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри,
Толстой кўчаси, 1-уй (Тошкент ПОЧТАМТИ биноси).
Телефонлар: 137-07-86, 144-42-05.**

*«Алоқабанк» жамоаси*

СПОРТ

# ОКСАНА ЧУСОВИТИНА — ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИСИ



Яна саноқли кунлардан сўнг 2003 йилни кутиб оламиз. Ўтаётган 2002 йил эса мамлакатимиз спорт ҳаётида ўчмас из қолдирди. Йил давомида юртимизда 147 та республика миқёсидаги турли мусобақа ўтказилди. Спортчиларимиз 128 та йирик халқаро нуфуздаги турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Бу мусобақаларда ҳамюртларимиз 198 та олтин, 202 кумуш ва 245 та бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Куни кеча Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси анъанага кўра, «Йилнинг энг яхши спортчиси», «Ўзбекистоннинг энг кучли спортчилари», «Йилнинг энг яхши мураббийлари», «Йилнинг энг яхши истиқболли ёш спортчилари», «Йилнинг энг яхши терма жамоалари», «Мамлакатнинг энг яхши спорт федерациялари», «Энг яхши фахрий спортчилар» номинациялари бўйича танлов якунларини эълон қилди. Унга мувофиқ спорт гимнастикаси бўйича Барселона олимпиадаси чемпиони, шу йил Пусан (Жанубий Корея)да ўтган XIV Осиё ўйинларининг икки олтин ва икки кумуш медаллари соҳибаси, хизмат кўрсатган халқаро тоифадаги спорт устаси Оксана Чусовитина «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб топилди. «Ўзбекистоннинг энг кучли спортчилари» рўйхатидан эса Осиё, Жаҳон чемпионатлари, турли халқаро турнирларда ғолиб чиққан Рустам Саидов (бокс), Артур Таймазов (эркин кураш), Дилшод Мансуров (эркин кураш), Ирода Тўлаганова (теннис), Александр Гейнрих (футбол), Антон Ряхов (байдарка ва каноэда эшкак эшиш), Сергей Крушевский (велоспорт), Равиль Начаев (сузиш), Олмос Юсуфов (кикбоксинг), Исоқ Аҳмедов (кураш), Умид Аҳмедов (армрестлинг), Шавкат Жўраев(самбо)лар жой олишган.

✧✧✧

**Суратда:** «Йилнинг энг яхши спортчиси» Оксана Чусовитина.

# КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ



Якунланаётган йил мамлакатимиз самбочилари учун ҳам муваффақиятли бўлди. Яқинда Панамада ўтган XXVI жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз Шавкат Жўраев (52 кг.) олтин, Акобир Қурбонов (82 кг.) ҳамда Марина Михеева (80 кг.)лар бронза медалларини қўлга киритишганди.

Куни кеча эса пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуида навбатдаги Ўзбекистон кубоги беллашувлари ниҳоясига етди. Унда 180 нафардан ортиқ самбочи 9 вазн тоифасида гиламга чиқдилар.

Иқтидорли ва келаси йили терма жамоа шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар номини аниқлаш мақсадида ўтказилган муросасиз баҳсларда Обид Холиқов (52 кг. Бухоро), Анвар Бобомуродов (57 кг.), Иброҳим Алиев (62 кг.), Латиф Латипов (68 кг.), Акром Эшов (74 кг. барчаси Тошкентдан), Ҳайдар Хўжаев (82 кг. Бухоро), Олим Худойқулов (90 кг. Тошкент), Шуҳрат Хўжаев (100 кг.), Ботир Хўжаев (+100 кг. иккаласи ҳам Бухородан)лар бош соврин соҳиби бўлишди.

■ Эркин ХОЛБОБО




МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ БАНКЛАРИДАН БИРИ — АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

бутун Ўзбекистон халқини, банкнинг барча мижозларини

*Янги 2003 йил*

байрами билан муборакбод этади.

*Шу азиз диёримизни янада яшнатиш, обод этиш, ризқу рўзимизни тўкин этиш иштиёқида ёниб яшаётган инсонлар доим омон бўлсинлар. Ана шундай тароватли айёмнинг илҳомбахш кучи бутун Ватанимиз халқини улуғвор ишларга чорлайверсин. Мамлакатимиз осмони ҳамиша тинч бўлсин! Барча юртдошларимизга омад, шодлик, бахт, тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик доимий ҳамроҳ бўлсин!*

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИ!


# НУКУС: КЕЧА ВА БУГУН




Ўтмишда Амударё дельтаси атрофига қорақалпоқларнинг «Нокис» уруғи кўчиб келиб, муқим яшай бошлаган. Асрлар оша юксалиб келган бу жойлар бугун Қорақалпоғистон Республикаси марказидир.

Шаҳар ичидаги Шўрча даҳасида қадимий қўрғоннинг ўрни бўлган. Археологлар бу манзилдаги дастлабки ҳаёт изларини эрамиздан аввалги IV асрга тааллуқли, деб тахмин қиладилар. Кўплаб қалъалардан топилган манбалар бу манзилнинг ўрта асрларда ҳам гуллаб-яшнаганидан далолат беради. «Ер Шора» достони ва бошқа будда ибодатхоналарида тарихий шароит, миллий қадрият, маданият ҳақида маълумотлар учрайди. Абу Райҳон Берунийнинг (973-1048) буюк олим бўлиб етишишининг ўзиёқ бу жойларда юксак тараққиёт босқичлари мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Нукус қалъаси тўғрисидаги илк эслатмалар XVIII асрда пайдо бўлган. Ўтган асрнинг 30-йилларига келиб бу ерда замонавий бинолар қад ростлай бошлади. 1932 йил 1 апрелда Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг маъмурий маркази Тўрткўл шаҳридан Нукусга кўчирилди.




Нукус мустақиллик йилларида янада чирой очди. Саноат корхоналари, турар жой бинолари, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари бунёд этилди, шаҳар инфратузилмаси яратилди. Нукус интернационал шаҳар. У ерда қорақалпоқлар, ўзбеклар, қозоқлар, руслар ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қилмоқда.

Яқинда «KURASH» журнали нашриётида Нукус шаҳрининг мустақиллик йилларига бағишланган фотоальбом ва китоб нашр этилди. Унда Нукус шаҳрининг тарихи ва бугуни ҳақида ҳикоя қилинади.

■ Холида ҒАЙБУЛЛАЕВА




*АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!*

ШАҲРИСАБЗ КОНСЕРВА

заводи меҳнат жамоаси

*Сизни сеҳрли ва қувончли байрам — Янги йил билан чин дилдан муборакбод этади. Янги йил барча хонадонларга хуш кайфият, файз-барака, тинчлик-осойишталик олиб кирсин. Мустақил Ўзбекистонимиз бундан ҳам гуллаб-яшнасин!*

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**Савдолар 2003 йил 30 январь, 6,13 февраль кунлари соат 12.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.**

***Савдоларга биноларни қайта таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш йўналишига инвестиция киритиш шарти билан қуйидаги объектлар қўйилади:***

1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзаев кўчаси, 35-уйда жойлашган 36-сонли дорихона.

**Бошланғич баҳоси — 3 400 000 сўм.**

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Толариқ кўчаси, 3-уйда жойлашган 147-сонли дорихона.

**Бошланғич баҳоси — 13 200 000 сўм.**

Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2003 йил 30 январда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 6 февралда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда) 13 февралда республика Биржалар маркази биносининг 3-қаватидаги мажлислар залида очилади.

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!**

10 фоизлик гаров пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан 3 кун олдин тўхтатилади.

*Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.*

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси. **Маълумот учун телефонлар:** 136-26-26, 136-28-75. **Факс:** 136-06-17. www.uzrkmb.com.



BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1068
10476 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.15
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA